*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# Қишлоқ ҲАҚИҚАТИ

1988 йил 16 ноябрь
ЧОРШАНБА
№ 263 (4.462).

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг газетаси

1974 йил 1 январдан буён нашр этилади ◆ Душанбадан ташқари ҳар куни чиқади ◆ Баҳоси 3 тийин.

# ҚИШЛОҚДА СОЦИАЛ ТАРАҚҚИЁТНИ ЖАДАЛЛАШТИРАЙЛИК

ОРЁЛ, 14 ноябрь (ТАСС). Бугун бу ерда очилган кенгашда қайта қуриш ҳозирги босқичининг долзарб масалалари ва энг аввало XIX Бутуниттифоқ партия конференциясининг аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш тўғрисидаги қарорлари бажарилишини партиявий-сиёсий жиҳатдан таъминлаш масалалари икки кун мобайнида муҳокама қилинади. Учрашув қатнашчилари Орёл областида янги ишлаб чиқариш-иқтисодий муносабатларни жорий этиш ва қишлоқда социал ривожланишни жадаллаштириш тажрибаси билан танишадилар.

Кенгашда **М. С. Горбачев, В. И. Воротников, Л. Н. Зайков, Е. К. Лигачев, В. П. Никонов, А. В. Власов, Г. П. Разумовский, Ю. Ф. Соловьев** ўртоқлар, иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларининг, ўлка ва область партия комитетларининг биринчи секретарлари, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари В. С. Мураховский, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Ю. П. Баталин, Л. А. Воронин, бир қанча министрликлар ва идораларнинг, оммавий ахборот воситалари марказий органларининг раҳбарлари қатнашмоқдалар.

Куннинг биринчи ярмида учрашув қатнашчилари КПСС область комитетининг мажлислар залида Орёл область партия ташкилотининг қишлоқни социал жиҳатдан қайта қуриш, агросаноат комплексида иқтисодий ислоҳотни амалга ошириш соҳасидаги иши билан танишдилар.

Кенгашни КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси **М. С. Горбачев** очди. У бундай деди:

Ўртоқлар, сизларни Орёл диёрида табриклайман. Ушбу учрашувни очаётиб, нима учун биз бу ерда, Орёлда тўпланганлигимизни равшанлаштириб бермоқчиман. Бундай учрашувлар Москвада ва бошқа жойларда ўтказилган бўлса ҳам, ҳозирги учрашувимиз жуда нодир ва маълум даражада мислсиз учрашувдир. Энг аввало биз бу учрашувни партия ва меҳнаткашлар XIX партия конференцияси сиёсий йўл-йўриқларини амалга ошириш соҳасидаги ишлари доирасида ўтказяпмиз. Бу ерда биз ҳозирги давр вазифаларини, мамлакатни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни ҳал этишнинг амалий масалаларини муҳокама қилмоқчимиз.

Биз партия Марказий Комитетининг февраль Пленумига тайёргарлик кўряпмиз, унда КПССнинг ҳозирги даврдаги аграр сиёсати вазифаларини белгилаб олишни кўзда тутяпмиз. Ҳозир бу масалалар хусусида олимлар, мутахассислар, меҳнат коллективларининг вакиллари билан маслаҳатлашяпмиз. Яқинда бу масалаларни биз партия Марказий Комитетида аграр-саноат комплекси олдида турган, шу тина эмас, ички сиёсатнинг бу ғоят муҳим масаласини ҳал қилишнинг бутун мамлакат олдида турган вазифаларини уддалашда мамлакат халқ хўжалиги тармоқларининг иштироки нуқтаи назаридан кўриб чиқдик. Бу учрашувни биз мамлакатимиз тараққиётининг мана шу муҳим босқичида КПССнинг аграр сиёсати қандай бўлиши кераклиги хусусида таклифлар, мулоҳазалар, хулосалар билан бизни бойитадиган тарзда ўтказишимиз керак. Биз аграр сектор соҳасининг ўзидаги реалликларни, мамлакатда озиқ-овқат билан боғлиқ ишларнинг аҳволини ҳисобга олишимиз лозим.

Бу учрашувда экономиканинг мазкур соҳасидаги реал тажрибаларни, илмий ютуқларни ҳисобга олишимиз керак. Фақат реалликларга, ана шу жараёнларни билишга ва уларга тўғри баҳо беришга таяниб биз февраль Пленумига пухта ўйланган, илмий жиҳатдан асосланган реалистик сиёсат билан бора оламиз, деб ўйлайман. Бизга бу мавзуда шунчаки гап-сўзлар керак эмас, шуни ҳам айтиш кераккки, сўнгги йилларда, жумладан, қайта қуриш йилларида ҳам бу хусусда жуда кўп гапирилди, ҳозир бу вазифани ҳал этмай туриб, олға томон муваффақиятли ҳаракат қила олмаслигимиз бизга равшан. Шу кенгашда бизни янги тажрибалар билан бойитадиган тарзда фикрлашиб олишни таъминлаш ҳам муҳимдир.

Бу учрашувда амалий мақсадни ҳам кўзлаяпмиз. Қиш ойларидаги катта ишлар арафасида республикаларда, ўлкалар ва областларда асосий секторимиз ҳисобланган колхозлар ва совхозларни, қишлоқ меҳнатчиларини хўжалик юритишнинг янги шаклларига ўтказиш йўлларини белгилаб олишимиз лозим. Қишлоқда иқтисодий муносабатларни тубдан қайта қуриш каби тушунча доирасига кирадиган ҳамма жиҳатларни белгилаб олишимиз лозим. Шу сабабли учрашувимиз сира пайсалга солиб бўлмайдиган тусдаги ана шу ишни ҳам кўзда тутиши керак. Бу биз учун муҳим, ўртоқлар, чунки, бир томондан, биз ҳозир авж олиб бораётган жараённинг маълум марраларига чиқиб олдик ва ўзимизни дадил ҳис этяпмиз. Аммо, иккинчи томондан, ҳаммамиз иш секин бораётганлигини сезиб турибмиз. Шу сабабли партиянинг бу хусусдаги салмоқли сўзлари бўлмаса, улкан идеология, тушунтириш, ташкилотчилик ишлари, кадрлар, меҳнаткашлар билан олиб бориладиган ишлар бўлмаса, бу жараён бир жойда тўхтаб қолади. Айни пайтда биз қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини янги технологияга ўтказишга доир амалий ишларимизни қандай ташкил этишимиз тўғрисида маслаҳатлашиб олишимиз керак.

Табиийки, сизларда: бу муаммоларнинг ҳаммасини Москвада муҳокама қилсак ҳам бўларди, деган савол туғилиши мумкин. У ерга етиб бориш осонроқ ва эҳтимол кенгаш ўтказиш учун шарт-шароитлар ҳатто қулайроқ. Москва эса кенгаш ўтказишга устаси фаранг бўлиб кетган, жуда катта тажриба орттирган (залда жонланиш). Шу ўринда мен ишнинг бошқа, яна бир муҳим томонига — бевосита мамлакатда озиқ-овқат таъминотини яхшилаш ва бунда республикалар, ўлкалар, областлар партия ташкилотларининг роли тўғрисида гапирмоқчиман.

Прогрессив аграр сиёсатга эга бўлиш жуда муҳим, албатта. Бу сиёсат марказдан, халқ хўжалиги тармоқлари, фан йўли билан мустаҳкамланиши муҳимдир. Буларнинг ҳаммаси тўғри. Марказда ҳозир биз айни шундай ишлар билан бандмиз ва аграр секторни қайта қуриш ҳаётий зарурат эканлигини ҳисобга олиб, масалаларни бирин-кетин ҳал этмоқдамиз.

Ҳар ҳолда қишлоқ хўжалигининг — экономикамизнинг мана шу ўзига хос нодир тармоғининг табиати шундайки, иш натижалари маҳаллий органлар фаолиятига ва колхозлар ҳамда совхозларнинг қишлоқ меҳнатчилари, фермаларда, далаларда меҳнат қилаётган кишиларнинг фаолиятига ҳал қилувчи даражада боғлиқдир. Аграр секторга унинг барча ўзига хос жиҳатларини, ҳар бир регионнинг барча ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолдагина раҳбарлик қилиш ва унинг амалий вазифаларини ҳал этиш мумкин.

Шу боисдан яна бир бор такрорламоқчиман: юқори босқичларда биз қандай иш қилмайлик, агар жойларда — колхозларда, совхозларда, шахсий ва бошқа ёрдамчи хўжаликларда иш тубдан қайта қурилмас экан, бу самара бермайди. Равшанки, маҳаллий партия, совет, хўжалик органларининг позициялари, уларнинг бу муҳим ишга муносабатлари тубдан қайта қурилиши лозим.

Мана шу нуқтаи назардан қараганда, сўнгги икки-уч йил ичида Орёл областида каттагина ўзгаришлар юз бермоқда. Бу эса менинг кўп нарса маҳаллий органларнинг ташаббусига, мустақиллигига боғлиқ, деган фикримни тасдиқлайди.

Область йигирма йил давомида бир жойда депсиниб турди. Саккизинчи беш йилликда 1 миллиард 100 миллион сўмлик ялпи маҳсулот, ўн биринчи беш йилликда ҳам худди шунча, аниқроғи ҳатто бироз камроқ маҳсулот етиштирилди. Йигирма йил давомида фондлар, капитал маблағлар, ўғитлар, техника ва шунга ўхшаш нарсалар сарфланаверди. Шу йиллар давомида маҳсулот ўзгаришсиз қолаверди. Мана энди 2-3 йил ичида шундай ижобий ўзгаришлар бўлмоқдаки, бу ўзгаришлар хўш, бунинг сабаби нимада, деб ўйлашга мажбур қилмоқда. Бу — биринчидан.

Иккинчидан. Бу областни биз атайлаб танлаб олдик. Кубанга боришимиз ҳам мумкин эди, у ерда йил жуда оғир келганда ҳам кўрсатишга арзийдиган нарсалар бор. У ерда имкониятлар жуда катта. Бошқа областларга ҳам бориш мумкин, балки у ерларда тажриба ҳатто кўпроқ бўлса керак. Тўғрироғи, аҳвол яхшироқ бўлса керак. Қишлоқлар ҳам, йўллар ҳам — ҳаммаси яхшидир. Аммо биз бу ерга келдик. Чунки бу ерда йигирма йил давомида бир жойда депсиниб тураверишди, бунинг устига уруш Орёл областини бутунлай вайрон қилганлигини унутмаслик керак. Бу ерда шундай жанглар бўлганки, ўлкада ҳаётни тиклаш учун жуда катта куч-ғайрат сарфлашга тўғри келган. Шу вақтга қадар Орёл областининг аҳолиси урушдан олдингидан ҳам кам. Ана шуларнинг ҳаммасини ҳисобга олганда ҳам, бу ерда ижобий ўзгаришлар бўлмоқда. Ҳолбуки, биз бу ерда ҳеч қандай ҳомийлик қилганимиз йўқ. Орёл областига алоҳида муносабатда бўлганимиз йўқ. Айни ана шу нуқтаи назардан бу ернинг тажрибаси бизга муҳимдир.

Иш ўзгара бошлади. Аммо асосий ишлар ҳали уларнинг олдида турибди, албатта. Лекин қуйидагилар ижобийдир. Биз Орёл области меҳнаткашлари билан икки жойда суҳбатлашдик. Улар бизга: энди озиқ-овқат муаммоси ўртага қўйилмаяпти, дейишди. Мен савол бердим. Йўқ, энди яшаш мумкин, деб жавоб қилишди. Аҳволни яхшилаш керак, албатта, лекин иш ҳозирнинг ўзидаёқ ўзгара бошлади. Уй-жой, қурилиш ишлари сифати, корхоналарни модернизациялаш тўғрисида ва бошқалар ҳақида масалалар ўртага қўйилмоқда. Бунинг ўзи қизиқарлидир. Бу вазиятнинг ўзгарганини, бу ўзгаришни меҳнаткашлар ҳис қила бошлаганини билдиради. Бу ишлар атиги икки-уч йил ичида бўлди, ўртоқлар!

Мана энди бу учрашув нима учун бизга принцип жиҳатдан зарур эканлигини тушуниб олдингиз, деб ўйлайман: сизлар билан ҳозирги давр тўғрисида, озиқ-овқат ишлари ҳақида гаплашиб олишимиз керак. Ва ниҳоят, бу учрашув нима учун Орёл областида ўтаётгани ҳақида гаплашиб олишимиз керак.

Кенгашни очиқ деб эълон қиламан.

Сўз КПСС Орёл область комитетининг биринчи секретари **Е. С. Строев**га берилади. У бундай деди:

Область партия комитети бюросининг, область коммунистлари, барча меҳнаткашларининг топшириғига кўра, кўпмиллатли Ватанимиз энг яхши ўғил-қизларининг қони тўкилган Орёл заминида сизни самимий қутлашга рухсат бергайсиз! Бундай учрашув Россия марказида биринчи бор ўтказилмоқда, биз ишимиздаги бирмунча силжишларга берилаётган баҳо учун, ана шу ўлкани ўзгартириш тўғрисидаги ғамхўрлик ва катта диққат-эътибор учун Марказий Комитетдан, Михаил Сергеевич, Сиздан ниҳоятда миннатдормиз.

Сиз областимизда бўлган чоғингизда биз партиянинг апрель ойида бошланган қайта қуриш йўлини амалга ошириш ва Орёл области агросаноат комплексини социал-иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришни жадаллаштириш борасида партия ташкилотлари ва меҳнат коллективларининг иш практикаси билан сизларни таништиришга ҳаракат қиламиз.

Танишувни одатда областга қисқача характеристика бериш билан бошлаш лозим бўлади. Сизга маълумки, область Россиянинг марказида жойлашган бўлиб, 25 минг квадрат километр майдонни эгаллаб турибди.

Аҳолисининг сони 864 минг киши, шулардан 64 проценти шаҳарларда яшамоқда.

Бизда 7 та шаҳар ва 14 та шаҳар типидаги поселка, 23 та қишлоқ райони бор. Сиз область маркази билан бир қадар танишдингиз, бу ерда 340 мингга яқин аҳоли яшамоқда. Орёлга 1566 йилда асос солинган. Бошқа шаҳарлар қатори Ливна ва Мценскни тилга олиш керак, уларнинг ҳар бирида 50 минг киши яшамоқда.

Область партия ташкилоти сафида қарийб 77 минг коммунист бор. Халқ хўжалигида банд бўлган меҳнаткашлар ўртасида партия аъзоларининг салмоғи 14 процентни ташкил этади. Областда КПССнинг 27 та шаҳар ва район комитетлари, 1860 та бошланғич партия ташкилоти бор. Орёлда 7 та олий ўқув юрти ва 10 та илмий-тадқиқот институти ишлаб турибди.

Орёл Ватанимиз тақдири бир неча бор ҳал этилган катта тарихий чорраҳадир. В. И. Ленин ўз асарлари учун бир неча бор Орёл губернияси ҳаётидан мисоллар олган эди, бу губерния аҳолиси учта рус революциясида фаол иштирок этди.

Бу ерда жаҳонда биринчи социалистик давлатни бўғиб ташлашга уриниш режалари икки марта барбод этилган эди. 1919 йилда Орёл остонасида ёш Қизил Армия Москвага ҳамла қилаётган генерал Деникиннинг саралланган қисмларини тор-мор этган эди. Улуғ Ватан уруши даврида Орёл — Курск ҳалқасида фашист қўшинлари батамом янчиб ташланган эди, 1943 йилнинг 5 августида Орёл ва Белгород шаҳарларининг озод қилиниши шарафига Ватанимиз пойтахти биринчи бор салют берди. Шу тариқа шаҳримиз тарихга биринчи салют шаҳри бўлиб кирди! Жангларда кўрсатган мардлиги ва жасорати учун 160 орёллик Совет Иттифоқи Қаҳрамони юксак унвонига сазовор бўлди.

22 ой узлуксиз давом этган жанглар оқибатида шаҳарлар харобага айланди, қишлоқлар куйиб кул бўлди. Орёл областидаги деярли ҳар бир қишлоқ бошига Хатин ва Лидицанинг қисмати тушди. Урушдан аввалги чегаралар доирасида оладиган бўлсак, Америка Қўшма Штатлари иккинчи жаҳон урушининг бутун олти йили мобайнида қанча одамдан ажраган бўлса, Орёл шундан ҳам кўпроқ одамдан жудо бўлди, биз 455 минг кишидан маҳрум бўлсак, АҚШ 355 минг кишисидан жудо бўлди. Халқ хўжалигига жуда катта зиён етди, аҳоли эса бор-йўғидан маҳрум этилди. Бу ҳақда 1943 йилда суратга олинган ҳужжатли фильм бор, бу фильмни кўз ёши тўкмай кўриш қийин. Фақат олтмишинчи йилларга келиб биз одамларни ертўла уйлардан кўчира олдик.

Уруш сабабли вайрон бўлган хўжалик, саноат аслида қайтадан бунёд этилди. Эндиликда областда автогрейдерлар, юк ортиш механизмлари, металлокорд, турли насослар, соатлар, асбоблар, ҳисоблаш техникаси ва кўпгина бошқа маҳсулотлар тайёрланмоқда. Саноат корхоналарининг маҳсулотлари жаҳондаги 70 мамлакатга етказиб берилмоқда. Урушдан аввалги даврга нисбатан саноат ишлаб чиқариши ҳажми 30 марта кўпайди.

Аммо барча ана шу янги заводлар ва фабрикалар, баланд уйлар, замонавий институтлар ва шаҳар цивилизациясининг бошқа неъматлари рус қишлоғининг ҳиммати билан юзага келди, рус қишлоғининг ўзи эса ниҳоятда оғир шароитларда эди.

Шу боисдан ҳам, Михаил Сергеевич, областимиз меҳнаткашлари колхозчиларнинг тўртинчи съездида сиз айтган қуйидаги сўзларни сидқидилдан маъқулладилар: «Россия Ноқоратупроқ зонасининг муаммолари... барча совет кишиларини ташвишлантирмоқда... Бу ўлка — рус ерининг қалбидир... Бу ерда яшаётган кишилар энг оғир йилларда мамлакатнинг бошқа районларидаги аҳоли билан топган-тутганини қардошларча баҳам кўрди, улар кўпгина республикаларимизнинг иқтисодий ва маданий жиҳатдан тикланишига жуда катта ҳисса қўшдилар».

Область коммунистлари, меҳнаткашлари партиянинг экономика аграр сектори эҳтиёжларига қараб бурилиш йўлини астойдил қўллаб-қувватладилар. Биз қишлоқларни қайта тиклашимиз, ниҳоят, уларга ҳам навбат келганлигига куч ва ишонч бахш этишимиз жуда зарурдир. Уруш оқибатидаги вайронагарчилик, сўнгра эса волюнтаризм, социал соҳага маблағ ажратишнинг қолдиқ принципи оқибатида кўпгина қишлоқларнинг «истиқболсиз» деб эълон қилиниши, болалар кам бўлган мактабларнинг ва беморлар кўп бўлмаган участка касалхоналарининг ёпиб қўйилиши, бошқа салбий ҳолатлар туфайли бу ерда қийинчилик шу қадар кўпайиб кетдики, одамларнинг сабр-тоқати тугади. Одамлар ўзлари туғилиб ўсган жойдан кета бошладилар. Сўнгги 20 йил ичида қишлоқ аҳолиси сони икки баравар камайди, кўп асрлик тарихга эга бўлган 700 дан кўпроқ қишлоқдан ном-нишон қолмади.

Аммо биз бу касалликни даволаш ўрнига, уни одамлар назаридан яшира бошладик. Нон, гўшт, сут ва қишлоқ хўжалигининг бошқа маҳсулотларига жуда паст нарх қўйиб ва айни вақтда, худди ўша деҳқонларнинг розилигини олмасдан, техника, қурилиш материаллари, эҳтиёт қисмлар, бошқа ресурслар ва хизматларга нархни бир неча бор ошириб, охир-оқибатда қишлоқни янчиб ташладик, бунинг устига мамлакатнинг молиявий системасини ҳам издан чиқардик. Тургеневнинг «Муму» ҳикоясидаги соқов Герасимнинг фиғони ошганидек. деҳқон ҳам ижтимоий ишлаб чиқаришга мутлақо қизиқмай қўйди ва эл-юртнинг ризқу-рўзини яратувчи сифатида таназзулга юз тута бошлади. Деҳқон лоқайд ва бепарво, социал жиҳатдан қарам ва чорасиз бўлиб қола бошлади.

Ана шундай вазиятда қишлоқда вужудга келтирилган ишлаб чиқариш потенциали зарур самара бермади. Далалар ва фермаларнинг маҳсулдорлиги пастлигича қолаверди, хўжаликларнинг 70 процентдан кўпроғи зарар кўриб ишларди.

Ҳатто Ноқоратупроқ зона тўғрисида қарор қабул қилинганидан кейин ҳам биз моддий база ҳақида эскичасига фикр-мулоҳаза юритишни давом эттирдик, кўпроқ гўшт ва сут олишни истадик, одам ҳам, унинг эҳтиёжлари ва ташвишлари ҳам четда қолиб кетаверди. Кўпчилик хўжаликларда социал соҳанинг асосий фондлари қийматидаги улуши бор-йўғи 5-7 процентни ташкил этар эди. Оқибатда қишлоқ турмуш тарзининг ўзи вайрон бўлиб кетди.

Шу боисдан ҳам қишлоқ коммунистлари, барча меҳнатчилари Марказий Комитетнинг 1985 йил апрель Пленуми йўлини умид қуёши деб, ҳозирги босқичда аграр сиёсатни ленинча тушунишга бизни қайтаришга қодир бўлган ёрқин ва дадил ғоя деб қабул қилдилар. Ана шу ёндашувларга, Сизнинг, Михаил Сергеевич, Белгородда, кейинчалик эса Целиноградда айтган кўрсатмаларингизга амал қилиб, область партия ташкилоти социал масалаларни аниқ-пухта ҳал эта бошлади, бошқарувнинг иқтисодий методларини пишиқтириб, Орёл қишлоғини қайта тиклашнинг бошқа йўлларини излай бошлади. Биз учун умумий сиёсий йўл-йўриқларни ҳар бир меҳнат коллективининг конкрет ишига айлантириш муҳим эди.

Шу мақсадда биз таркиб топган вазиятни танқидий таҳлил қилдик, Москва области, Литва ва Белоруссиянинг тажрибасини ўргандик ва шу асосда ўз ишимизнинг бош йўналишларини белгилаб олдик, ушбу йўналишларни пленумда муҳокама қилдик. 12 та тармоқ комплекс программасини тасдиқладик, уларнинг бажарилиши учун масъул бўлган кишиларни бюро ва область Совети ижроия комитети аъзолари орасидан тайинладик.

Кадрлар ана шундай туб бурилишга шай эдими? Эндиликда ўтмишга назар ташлаб, йўқ, шай эмас эди, деб рўй-рост айтишимиз мумкин. Етакчи участкаларни диққат-эътибор ва партиявий одоб ила ёш, аммо билимдон ва сиёсий жиҳатдан етук кадрлар билан мустаҳкамлашга тўғри келди. Қарийб 40 та район ва шаҳар партия комитетлари секретарлари ўзгарди, хўжалик органларида тубдан янгиланиш содир бўлди. Бу иш ўз вақтида қилинди. Янги раҳбарларнинг кўпчилиги вазиятни тезда тушуниб аҳволни яхши томонга ўзгартира олди. Ташкилотлар ва муассасаларда ижрочилик интизоми анча кўтарилди.

Биз область партия комитетининг пленумида ходимларнинг мулкдан ва ўз меҳнати натижаларидан бегонасираши оқибатида пайдо бўлган бефарқликни бартараф этиш йўлларини топишни асосий вазифа қилиб қўйдик. Шу мақсадда областда коллектив пудратни фаол жорий эта бошладик. Глазунов район партия ташкилотида бу борада ижобий тажриба орттирилди, мазкур тажрибани партия Марказий Комитети маъқуллади.

Коллектив пудрат туфайли ишлаб чиқариш жонланди. Аммо биз ишни эндигина бошлаган кезимиздаёқ бу пудрат бош вазифани ҳал этмаганини — маҳсулот ишлаб чиқариш учун кетадиган харажатларни назорат этиш масаласини охиригача таъминламаганини, яъни харажатларга қарши механизм ишга солинмаганини илғаб олдик.

Шу боисдан ҳам биз КПСС Марказий Комитети 1987 йил июнь Пленумининг экономикани тўла хўжалик ҳисоби ва ўзини-ўзи маблағ билан таъминлашга ўтказиш тўғрисидаги қарорларига амал қилиб, маҳсулот ва ишлаб чиқариш воситаларининг олди-сотдиси негизида ижара пудратини ҳамма ерда ва қунт билан жорий эта бошладик. Эндигина иш бошлаган кезлардаёқ бу оддий меҳнаткашлар учун энг мақбул усул эканини ҳис этдик. Ижара пудрати реал ҳаётда меҳнаткашларни ишлаб чиқариш хўжайинига айлантира бошлади. Ишлаб чиқаришдаги харажатлар устидан, маъмурий-бошқарув аппарати ходимлари ва мутахассислар устидан қаттиқ иқтисодий назорат таъминланди, энг асосийси эса одамнинг эркига, унинг ақл-идрокига кенг йўл очилди. Биринчи марта кимнинг нимага қодирлиги аниқланди, ҳар бир одамнинг истеъдоди ва имкониятларини рўёбга чиқариш мумкин бўлиб қолди. Дарҳақиқат, эгасиз мулкка, яъни бюрократик системанинг ана шу асосий қалъасига чинакам ҳужум бошланди.

Натижада биз аграр сиёсатни буйруқбозлик — бюрократия аппарати эмас, балки бошланғич меҳнат коллективи, ишлаб чиқарувчининг ўзи белгилай бошлашига яқинлашиб қолдик.

Ҳозир, гарчи ҳамиша ҳам оқилона бўлмаса-да, ижаранинг нафи ҳақида кўп гапирилмоқда ва ёзилмоқда. Кўпинча уни коллектив пудрати билан аралаштириб юбормоқдалар, аммо шуни холисона тан олиш керакки, янги ҳаракат эндигина бошланганида назарияда ҳам ҳали ҳеч қандай тажриба йўқ эди. Қоқилиб-суқилиб, янглишиб ҳаракат қилишга, ВАСХНИЛ академияси билан, шахсан академик А. А. Никонов билан ҳамиша маслаҳатлашиб туришга тўғри келди.

Эндиликда область коммунистлари олдида амалий вазифалар пайдо бўлди: янги иқтисодий механизмни идрок этиш билан бир қаторда кашшофларни топиш, уларга иш ўргатиш ва ижара муносабатларининг юксак самара беришини жонли намуналар асосида исботлаш лозим эди. Маҳаллий шароитларни ҳисобга олиб, тавсиялар ишлаб чиқилди, барча раҳбарлар ва мутахассислар, жумладан район ва шаҳар партия комитетларининг биринчи секретарлари, шаҳар ва район ижроия комитетларининг раислари ўқитилди, улар зачёт топширишди. Агросаноат комплексининг қарийб 90 минг меҳнаткаши курс тайёргарлигидан ўтди.

Амалий ёрдам бериш учун колхоз ва совхозларга 450 мутахассис, олим, партия-хўжалик активларидан масъул ходимлар юборилди. Хўжалик ҳисоби. кунлари мунтазам ўтказила бошлади, ҳар чоршанба чорвадор куни деб белгиланди. Ижарачилар билан мунтазам учрашувлар расм бўлди. бундай учрашувлар баҳс-мунозара шаклида ўтмоқда. Шундай қилинганида янги иқтисодий ўзаро муносабатларнинг энг асосий жиҳатлари яхшироқ ойдинлашмоқда, ишга халақит бераётган тўсиқлар ўз вақтида олиб ташланмоқда.

Область партия комитети бюроси шу масала хусусида 12 та партия комитетининг ҳисоботини тинглади. Должанская районидаги Вишне-Ольшанский совхози ва Свердлов районидаги Свердлов номли колхоз партия комитетларининг иш тажрибаси, шунингдек бутун район билан ижара пудратига ўтишга қарор қилган Урицский райони ижарачиларининг ташаббуси маъқулланди. Коммунистлар ана шу ҳаракатга бош бўлдилар.

Партия комитетлари, мутахассисларнинг қунт билан ишлаши туфайли областимизда ижарачи коллективларнинг турли ташкилий формалари таркиб топди. Тор доирада ихтисослашган звенолар жуда кўпдир. Мазкур звенолар кўпинча оилавий ёки қариндош-уруғчилик негизида уюшган. Ижаранинг ана шу формасини биз энг барқарор, истиқболли ва натижадор форма деб ҳисоблаймиз.

Бизда яна ҳам йирикроқ бўлинмалар бор. Улар алмашлаб экишни ёки фермани пудратга олмоқдалар. Агросаноат банкида ўз счётлари бўлган торроқ доирада ихтисослашган кооперативлар ҳам пайдо бўлди, улар орасида, масалан, кўп йиллик ўтларнинг уруғини, айниқса беда ва йўнғичқа уруғини етиштирадиган кооперативлар бор. Бир қанча район марказларида аҳоли гўшт етиштирадиган, шунингдек чўчқа болалари боқадиган хўжаликлараро кооперативларни ҳам тузди. Шахсий ёрдамчи хўжаликни юритишда, ветеранлар ва қарияларга маиший хизмат кўрсатишда ёрдам берадиган кооперативлар ҳам ўзини оқлади. «Агропромстрой»да барча ғишт заводлари ижарага берилмоқда.

Бугунги кунда ижара бирон-бир маъмурий тазйиқсиз чуқур илдиз отди, деб ишонч билан айтишимиз мумкин. Ижара пудрати одамларга ғоя инъом этди, ана шу ғоя негизида эса қайта қуришнинг саботли, эътиқодли тарафдорлари камол топди.

(**Давоми иккинчи бетда**).



Суратда: қишлоқ хўжалик кўргазмасини кўздан кечириш пайти.

(ТАСС телефотоси).

